



Ҳижратдан олдинги Мадинанинг қисқача тарихи



Исломдан олдин Мадина шаҳри Ясриб деб аталарди. Ясриб Хижознинг катта шаҳарларидан бири эди. Макка шаҳридан шимолда 400 км узоқликда эди. Ясриб аҳолиси асосан яҳудий ва араблардан иборат эди. Ясрибда яҳудийларнинг 3 та қабиласи яшаган – Бану Қурайза, Бану Қайнукоъ ва Бану Назир. Улар Ясрибнинг ҳосилдор, обод ерларини эгаллаган эдилар: Бани Назир Ясрибнинг жанубий-шарқий қисмидаги Води Музайнаб, Бани Қурайза – улардан шимолроқдаги Води Махзур, Бани Қайнукоъ эса мазкур иккала қабиладан шимоли-ғарбпроқдаги шаҳар марказига яқин жойда яшаган. Ясриб яҳудийлари ўзига хос талаффуз билан араб тилида сўзлашишган. Ибодатларини эса иброний тилида бажаришган.

Ясрибнинг Исломдан олдинги араб аҳолиси асосан икки қабиллага мансуб бўлиб, у қабилалар Бану Авс ва Бану Ҳазраж эди. Авс қабиласи Ясрибнинг шарқий ва жанубий қисмини, Ҳазраж эса шаҳарнинг ўрта ва шимолий қисмини эгаллаган эди. Авс ерлари унумдор серҳосил бўлиб, Бани Назир ва Бани Бану Қурайзага ҳудудига туташган эди. Ҳазраж ерлари бўлса, фақат Бани Қайнукоъ ерларига туташ бўлиб, камҳосил эди. Шу сабабдан Бани Назир ва Бани Қурайза дехкончилик ва богдорчилик билан шугулланишган бўлса, Бани Қайнукоъ эса фақат хунармандчилик билан шугулланишга

мажбур бўлган.

Ясриб ахолисининг аксарияти хурмо етиштирарди. Ясрибликлар дехкончилик билан шугулланишса-да, бугдой ва арпа каби кишлок хўжалик махсулотлари етишмаган ва уларни Шомдан келтиришган. Маккада бўлгани каби Ясрибда ҳам судхўрлик авж олган эди. Ерларнинг унумдорлигига караб ижара белгиланган. Ижарачи чорикорлар уруглик сотиб олиш ва хосил йиғиштириладиган вақтгача кетадиган харажатлар учун кўп холларда судхўрлардан қарз олишган. Бунинг эвазига чорикорлар ўзларига тегадиган махсулотни судхўрга экин ўсиб турган холида (музобана) ёки экинзордаги мева-чева, полиз махсулотларини хомлигича (мухокала) сотишга мажбур бўлганлар.

Ясриблик савдогарлар ва маккалик савдогарлар ўртасида савдо-сотик ҳам бирмунча ривожланган эди. Ясриблик савдогарлар ҳар йили ўтказиладиган Укоз, Зул-Мажоз ва Мажинна бозорларига бориб савдо қилишарди.

Ясриб атрофидаги кишлоклар ахолиси ва қўчманчи бадавийлар Ясрибга туя, қўй, от, жун, қизил, ёғ ва пишлоқ келтириб сотишарди. Ясрибдан эса қийим-кечак, қурол-яроғ ва кишлоқ хўжалик асбоблари сотиб олишарди. Ясрибда бир нечта бозорлар мавжуд бўлиб, улардан энг йириги Води Батхон қўприги ёнида жойлашган Бани Қайнукоъ бозори эди. У бозор Қайнукоъ қабиласида ишланган безак ва қимматбаҳо буюмлар билан савдо қилишга ихтисослашган эди.

Ясрибнинг шимоли-ғарбидаги Зубола номида жойда ҳам бозор бўлиб, у хижратдан кейин Мадинадаги энг катта мусулмон бозорига айланди. Ал-боқоъ маҳсулоти мол бозори эди. Катта бозорларда ҳар қил моллар сотилса-да, ҳар бир мол учун алоҳида маҳсулоти бўлимлар ажратилганди. Шунга қарамай исломдан олдинги бозорларни назорат қилиш ҳеч бир кишининг зиммасида бўлмаган.

Муомилада бўлган пуллар Маккадаги сингари динор ва дирҳамлардан иборат эди. Динор олтин танга бўлиб, Византияда қосилган ва унда император Ираклийнинг (Хиракл) тасвири туширилган эди. Динор Византия билан савдо қилиш учун қўйдаланилган. Дирҳам қумуш танга бўлиб, Эронда қарб қилинган ва унда Эрон шаҳаншоҳлари тасвири ва паҳлавий ёзувлар бўлган. Дирҳам қосилган Эрон ва унинг мустамлақалари билан савдо-сотик қилишда қўйдаланилган.

617 йил. Буос жанги. Бу жанг Авс ва Хазраж ўртасида бўлиб ўтган энг сўнгги киргин эди. Бунгача ҳам улар кўп марта тўқнашган бўлиб, кўп холларда Авс маглуб бўларди. Авслиklar Хазражни узил-кесил маглуб этиш учун Бани Назир ва Бани Курайза билан иттифок тузишга ҳаракат қилдилар. Бундан хабар топган Хазраж Авс иттифокчиларини бетараф саклаш мақсадида Курайзанинг 40 нафар ўспиринларини тутқунликка олди ва мақсадига эришди. Авслиklar ташқаридан иттифокчи қидиришга тушишди ва ҳар йили Маккада ўтказиладиган ҳаж маросимидан фойдаланиб, Курайш билан Хазражга қарши иттифок тузишга уриниб қўришди. Бирок Макка зодагонлари бу иттифокни кескин рад қилишди. Авслиklar ҳеч қандай иттифокчи топа олишмагач, ноилоҳ Хазражга тобеъ бўлишга мажбур бўлишди. Аммо авслик баъзи уруғлар бундан норози бўлиб Мадинадан қўчиб кетишди. Мана шу ҳолатда Хазраж зодагонлари Назир ва Курайзага таҳдид қилиб, ерларини бўшатишни талаб қилишди. Орадан кўп ўтмай, Баёда уруги оксоқоли тутқунликда сакланаётган яҳудий ўспиринларни қатл этишга буйруқ берди. Авс қабиласи бундан фойдаланиб Назир ва Курайза билан Хазражга қарши иттифок тузди ва жангга тайёргарлик қўра бошлади. Хазраж ҳам энди урушнинг олдини олиш учун ҳеч қандай йўл қолмаганини қўриб, жангга ҳозирлик қўра бошлади. Иккала томон зудлик билан тарафдорларини йига бошлади. Ўспиринлар ўлдирилганидан сўнг бир ярим ой ўтгач, Курайзага қарашли Буос номида жойда қонли жанг содир бўлди. Олдинги тўқнашувларда бўлгани қаби Авс ва унинг иттифокчилари енгилар бошлашди, бирок Хазражнинг бош қўмондони Амр ибн Нуъмоннинг қўтилмаганда ҳалок бўлиши, хазражликларни қаросимага солиб қўйди ва улар қўргонларига яширина бошлашди. Авслиklar уларни қўргонларига қамаб қўйишса-да, қўргонларни бузиб Хазражни бутунлай қириб юборишни ўзларига лозим қўришмади. Жанг тугагандан сўнг бир неча кун ўтгач, Авс бош қўмондони Худайр ибн Самак жангга олган жароҳатларидан вафот этди. Бу жанг натижасида Ясриб иқтисоди жуда катта моддий зарар қўрди. Қўллаб қишилар қатори Авс ва Хазражнинг барча оксоқоллари ҳалок бўлди.

Ясриблиklar бу қаби мантисиз урушлардан ташқари, вақти-вақти билан уюштириб туриладиган бадавйларнинг ҳужумларини ҳам қайтаришлари лозим эди. Бу босқинчиликлар ҳам Ясрибга жуда катта зарар қелтирарди. Бундай инқирозли вазиятдан чиқиш учун ясриблик қабилалар бирлашиб ўзларига умумий бошлик сайлаш тўғрисида музоқаралар бошлаб юборишди. Асосий номзод Абдуллоҳ ибн Убай ибн Салул Хазражий эди. Бирок номзодларни танлаш қўзилиб, қўрсатилган номзодлар барчага маъқул қелавермади.

Айни шу вақтда Маккада Ислом дини ёйилар бошлаган ва мусулмонлар қаттиқ таъйикка олинган эдилар. Ясрибдан Маккага борган зиёратчилар мусулмонлар билан танишиб, янги дин ҳақида қоникарли қавоб олишди. Қелгуси йили Макка яқинидаги Ақоба номида жойда бир гуруҳ ясриблиklar Расулуллоҳга байъат қилишди. Улар мусулмонларни Ясрибга қатлиф қилишди. Макқалик дастлабки мусулмонларнинг ва Пайғамбарнинг Ясрибга ҳижрат қилиш (қўчиб қелиш)лари ясриблиklarнинг умумий бошлик сайлаш

тўғрисидаги ихтилофларига бархам берди.

Макка. 617 йил – Мушриклар эътикодидан катъи назар Хошим авлодига карши иктисо
дий
мал
эълон
к
илишди
ва
уларни
Маккадан
к
увиб
чикаришди
. Х
ошимийлар
Абу
Толиб
дарасида
3
йилга
якин
вакт
огир
шароитларда
кун
кўришди
.

Хабашистонга иккинчи-хижрат (83 эркак ва 18 аёл йўлга чиккан).

619 йил – “иктисодий камал” хакидаги қарор 5 нафар курайшликлар томонидан йиртиб
ташланди
ва
бекор
к
илинди
.

620 йил – Биринчи бўлиб Исломни қабул қилган аёл – Пайгамбарнинг хотинлари Хадича

а

ва

фот

этади

,

сўнг

амакилари

Абу

Толиб

ибн

Абдулмутталиб

х

ам

вафот

этди

.

Абу Толиб вафотидан сўнг Хошимийлар етакчиси бўлиб олган Абу Лахаб ибн Абдулмутталиб Пайгамбарни ўз химоясига олишдан бош тортди.

Мушрикларнинг зулми аввалгилардан ҳам ошиб кетди. Пайгамбар Тоифга бордилар, би

рок

у

ердаги

мушриклар Пайгамбарга каттик

азият

етказиб Тоифдан чиқариб юборишди

.

"Шаркнинг машхур сулоалари" китобидан